

(Аллоҳдан ўзганинг йўлини тутганлар, унинг уйидан ўзга уйда яшашни ихтиёр қилганлар ўзларининг ўргимчак уясида яшашни ихтиёр қилаётганларини кошки билсалар эди. Уларнинг тузган тузумлари худди ўргимчак уясига ўхшаб, ўта нимжон эканини билсалар эди. Такаббурликлари ила Аллоҳ қуриб берган улуғвор қасрни инкор этиб, ўргимчак уясида яшашни ихтиёр қилаётганларини билсалар эди. Бу ҳақиқатни биладиларми, билмайдиларми — уларга фарқи йўқ.) (Анкабут сураси, 41-оят).

Аллоҳ таоло ушбу оятда Ўзидан бошқани илоҳ қилиб олганларни ўзига уй тутган ўргимчакка ўхшатмоқда. Ҳолбуки, энг заиф уй ўргимчакнинг уясидир. Ушбу уя ўргимчакни қишнинг совуғидан, ёзнинг иссиғидан, душманнинг ҳужумидан сақлай олмагани каби мушриклар топинаётган бут-санамлар ҳам ўша мушрикларни ҳеч нарсадан ҳимоя қила олмайди.

Ушбу оятда бир неча эъжоз (ақлларни ожиз қолдирадиган нарса, мўъжиза) бор.

Аллоҳ таоло оятда ўргимчакка алоқадор феълни муаннас шаклда келтириб, **إِن تَدْعُنَا** (иттахозат) деган. Буни қаранги, ўргимчакнинг эркаги эмас, фақат урғочиси уя солар экан. Олимлар бу ҳақиқатни яқинда билдилар. Ваҳоланки, Қуръони Карим бу ҳақиқатни ўн тўрт асрдан бери айтиб келади.

Аллоҳ таоло ўргимчак уясини “энг заиф уй” деди. Ушбу заифлик моддий ва маънавий кўринишда экан.

Ўргимчак уяси уй учун керак бўлган нарсалардан холидир. Унда хотиржамлик, сокинлик деган нарсалар йўқ. Урғочи ўргимчак эркаги билан қўшилгандан сўнг эркагини ўлдириб, ейди. Болалари тухумдан чиққанидан сўнг бир-бирини ейди. Урғочи ўргимчак ўлжани овлаш, эркагини чақириш учун уя тўқийди. Бу маънавий жиҳатдан энг заиф уй эканига мисол.

Ўргимчак уясининг ипи майин ипак бўлиб, унда яшовчини иссиқ-совуқдан сақлолмайди, соябонлик қилолмайди, ёмғир ва қордан пана қилолмайди, қаттиқ шамолдан тўсолмайди, ўргимчакни қуш каби душманларидан қутқаролмайди. Буниси моддий жиҳатдан энг заиф уй эканига мисол.

Quran-m.com сайти маълумоти асосид

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади